

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШОКИРОВ ШЕРАЛИ ИБРОҲИМОВИЧ

**ТУРЛИ ТИЗИМЛИ ТИЛЛАРДА «КЎЗ» ЛЕКСИК-СЕМАНТИК
МАЙДОНИ ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТУВЧИ ТИЛ БИРЛИКЛАРИ
ТИПОЛОГИЯСИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва
таржимашунослик (филология фанлари)**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Шокиров Шерали Иброҳимович

Турли тизимли тилларда «кўз» лексик-семантик майдони ва уни
ташкил этувчи тил бирликлари типологияси 3

Шокиров Шерали Иброгимович

Лексико-семантическое поле «глаза» в разносистемных языках и
типология составляющих его языковых единиц 25

Shokirov Sherali Ibrohimovich

Lexico-semantic field of the «eye» and typology of language units in the
languages with different systems 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 51

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШОКИРОВ ШЕРАЛИ ИБРОҲИМОВИЧ

**ТУРЛИ ТИЗИМЛИ ТИЛЛАРДА «КЎЗ» ЛЕКСИК-СЕМАНТИК
МАЙДОНИ ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТУВЧИ ТИЛ БИРЛИКЛАРИ
ТИПОЛОГИЯСИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва
таржимашунослик (филология фанлари)**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Fil1468 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-саҳифасининг www.nuu.uz ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим портали www.ziyonet.uz манзилларида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Яқубов Жамолиддин Абдувалиевич
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Галиева Маргарита Рафаэловна
филология фанлари доктори

Садуллаева Нилуфар Азимовна
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 400-уй. Тел: (99871) 246-08-62); факс: (99871) 246-08-62; (99871) 246-65-24; e-mail: nauka@nuu.uz.

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил:100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 400-уй. Тел: (99871) 246-08-62).

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2020 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

А.Г.Шереметьева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

Г.С.Қурбонова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

И.А.Сиддиқова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослиги тараққиётининг асосий омиллари сифатида лингвистик бирликларнинг бевосита ва билвосита алоқаларини батафсил таҳлилга тортиш ва ушбу таҳлил натижасида илмий жиҳатдан янги лингвистик парадигмаларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш каби илмий тадқиқотлар ҳозирги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бинобарин, жаҳон тилшунослигининг тараққий топиши ўз ўрнида дунёдаги табиий тилларнинг ривожланиш жараёнига оид тадқиқотларнинг бевосита боғлиқликда олиб борилишини тақозо этади.

Дунё тилларида, шу жумладан инглиз ва ўзбек тилларида ҳам, «кўз» лексик-семантик майдонининг миқёси, кўлами, уни ташкил этувчи тил бирликларининг тўлиқ рўйхати аниқланмаган. Замонавий тилшуносликда «кўз» семантикасини ифода этувчи лингвистик воситаларининг маъновий, структурал, функционал, парадигматик, синтагматик каби қатор хусусиятларини таҳлилга тортиб, чоғиштириб ўрганиш зарурияти мавжуд бўлиб, ушбу тадқиқот асосида эришилган илмий-назарий хулосалар умумий тил назарияси, шунингдек, чоғиштира тилшунослик, лингвистик майдон назарияси каби йўналишлардаги мавжуд муоммоли масалаларга бир қадар ойдинлик киритиш ва такомиллаштиришга сабаб бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси истиқболли ривожланишининг янги босқичида маданият, санъат ва фан соҳаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йилнинг 24 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномасида «...илм-фан ютуқларининг электрон платформаси, маҳаллий ва хорижий илмий ишланмалар базасини шакллантириш лозимлиги, ҳар бир олий таълим ва илмий-тадқиқот даргоҳи нуфузли чет эл университетлари ва илмий марказлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиши шарт»¹ эканлиги таъкидланди. Бу эса хорижий тилларни ўргатиш тизимини ривожлантириш ва уларнинг маънавий дунёсини бойитишга йўналтиришни талаб этади. «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида бу масалага алоҳида эътибор қаратилиб қуйидагилар белгиланди: «2020 йилдан бошлаб соҳадаги илғор хорижий таълим технологиясидан фойдаланган ҳолда ҳамда давлат хизматчиларини 6 ойгача бўлган муддатда хорижий тилларга интенсив равишда ўқитиш бўйича янги таълим дастури жорий этилади»². Мазкур вазифаларни амалга оширишда олий ўқув юртларида она тили ва чет тилларининг қиёсий типологияси, грамматика, лексикология, фразеология, лингвокультурология соҳасидаги билимларни янада юқори даражада шакллантириш амалиётини жорий қилиш муҳим аҳамият касб этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/3324> – Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти. 25.01.2020 й.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.03.2020 йилдаги ПФ-5953-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги Фармони. «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2020 йил 9 март, 9-сон, 99-модда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги ПК-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохатларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 октябрдаги ЎРҚ-576 қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5847-сон Фармони, шунингдек, мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқот республика фан технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг: I.«Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тил лексик қатламидаги семантик майдон масаласи ўтган асрнинг 30-йилларидан бошлаб олимлар эътиборини ўзига жалб қила бошлаган. Ушбу тарихий жараёнда немис олимлари Й.Трир, Г.Ипсен, В.Порциг³, шунингдек, рус тилшунослари Г.Шур, В.Адмони, А.Бондарко, Е.Гулига, Е.Шендельс⁴ олиб борган тадқиқотларида муҳим ўрин тутди. Ўзбек тилшунослигида эса майдон назарияси А.Нурмонов, Ш.Искандарова, А.Собиров, К.Раҳмонбердиев, Ш.Назирова⁵ шу соҳага доир илмий тадқиқотларида маълум миқдорда ўз ечимини топган.

Турли тизимдаги тилларда «кўз» лексик-семантик майдони билан боғлиқ илмий ишларини Л.М.Васильев, М.Б.Примова, А.А.Кретов, Э.М.Умаханова, И.Н.Гаврилин, С.А.Моисеева, Т.Н.Козюра, Е.Н.Подтележникова, Ш.Искандарова, Г.М.Адашуллаева⁶ каби тилшуносларнинг тадқиқотларида кўришимиз мумкин.

³ Trier J. Der Deutsche Wortschatz im Sinnbezirk des Verstandes(Die Geschichte eines sprachliches Feldes). – Bd I. Heidelberg: C.Winter, 1931. – 106 p; Ipsen G. Der alle Orient und die Indogermanen. «Stand und Aufgaben der Sprachwissenschaft». – Festschrift für W.Streitberg: Heidelberg, Julius Groos Verlag, 1924. – 30-45 p; Porzig W. Das WunderderShprache (Probleme , Methode, und Ergebnisse der modernenSprachwissenschaft), – Aufl. Bern: 1957.– 10 p.

⁴Шур Г.С. Теории поля в лингвистике. – М.:Наука, 1974. – 19-21p; Бондарко А.В. О грамматике функционально-семантических полей // Изв. АН СССР. Сер. лит-ры и яз. – М.:Наука, 1984. № 6.– 492 с; Адмони В.Г. Грамматический строй как система построения и общая теория грамматики.– М.: Ленинград, 1988. – С. 240; ГулыгаЕ.В., Шендельс Е.И. Грамматико-лексические поля в современном немецком языке. – М.: Просвещение, 1969. – 184 с.

⁵ Нурмонов А.Танланган асарлар. Уч жилдлик. 1 жилд. – Т.: Академнашр, 2012. – 346 p; Собиров А.Ш. Ўзбек тили лексик сатҳини системалар системаси тарзида ўрганиш. – Т.: «Фан», 2004. – 68-83 б; Раҳмонбердиев К. Глаголы зрительного восприятия в узбекском языке. Автореф дисс. ... канд. филол.наук. – Ташкент, 1969. – 19 б; Искандарова Ш. Тил системасига майдон асосида ёндашув. – Тошкент: «Фан», 2007. – 183 p; Назирова Ш. Семантическая структура и сочетаемость соматизмов в английском, узбекском в русском языках.Автореф дисс. ... канд. филол.наук. – Ташкент, 2004. – 24 б.

⁶ Васильев Л.М. «Семантические классы глаголов чувств, мысли и речи». – М.: Высшая школа, 1971.– С.11; Примова М.Б. Предложения, обозначающие ситуации слухового и зрительного восприятия в современном русском языке. Дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 1983. – 118 с; Кретов А.А. Семантические процессы в лексико-семантической группе глаголов зрительного восприятия современного русского языка. Дисс. ...канд. филол. наук. – Воронеж, 1980. – 228 с; Гаврилин И.Н.Историко-семасиологическое исследование группы глаголов

Биз мазкур тадқиқотда Е.Гулига, Е.Шендельс, А.Бондарко, А.Нурмонов, Ш.Сафаров, М.Расулова, Ғ.Ҳошимов, Ш.Искандароваларнинг назарий қарашларини асос қилиб олдик ва уларнинг майдонга доир фикрларини мазкур ишда ривожлантирдик. Бизнинг тадқиқотимиз юқоридаги ишлардан қуйидаги лисоний омиллар билан фарқ қилади: 1) қиёсий-чоғиштира планда «кўз» лексик-семантик майдони таркибий элементларининг майдонда тутган ўрнини аниқлаш усуллари, 2) инглиз ва ўзбек тилларида «кўз» семантикасига доир умумий семантик моделларнинг яратилиши, 3) «кўз» семантикасига эга тил бирликларининг мукамал таснифини ишлаб чиқиш, 4) «кўз» семасига эга тил бирликларининг лингвистик, прагматик ва стилистик жиҳатларини очиб бериш, 5) «кўз» лексик-семантик майдонини аниқлашда фрейм таҳлилини ўтказиш ва семантик типларни аниқлашдан иборат.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Андижон давлат университетининг «Турли генетик тизимга мансуб тиллар таракқиётининг асосий йўналишлари» тадқиқот режаси доирасида ва унга мос равишда турли тизимдаги тилларда «кўз» лексик-семантик майдони ва уни ташкил этувчи тил бирликлари типологияси мавзусида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Инглиз ва ўзбек тилларида «кўз» лексик-семантик майдонини ҳосил қилувчи лисоний бирликларнинг структурал-семантик, функционал хусусиятларига асосланган тавсиф ва таснифини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

инглиз ва ўзбек тилларида «кўз» семантикасининг лексик-семантик майдон мақоми ва умумий тавсифини аниқлаш;

қиёсланаётган ва чоғиштирилаётган тилларда «кўз» лексик-семантик гуруҳларининг структурал жиҳатларини очиб бериш;

хар бир умумкатегориал белгилари жиҳатидан «кўз» семантикасининг дифференциал семантик хусусиятларини ўрнатиш ва қиёсланаётган тилларда мазкур лексик-семантик гуруҳларнинг моделларини ва фрейм таҳлилини ишлаб чиқиш;

инглиз ва ўзбек тилларида «кўз» лексемасининг семантик майдонини ташкил қилувчи лисоний бирликларини парадигматик ва синтагматик планда тадқиқ қилиш;

зрительного восприятия во французском языке. Дисс. ...канд. филол. наук. – Москва, 1962. – 272 с; Моисеева С.А. Семантическое поле глаголов восприятия в западнороманских языках: Монография. – Белгород: Изд-во БелГУ, 2005. – 248 с; Умаханова Э.М. Структурно-семантическая характеристика глаголов физического восприятия (на материале английских глаголов see, hear, feel, smell, taste). Автореф. ... канд. филол. наук. – Москва, 1975. – 21 с; Козюра Т.Н. Возвратность в семантико-функциональном поле залогности: на материале предложений с глаголами зрительного восприятия в русском и французском языках. Дисс. ...канд. филол. наук.– Воронеж, 2007. – 151 с; Подтележникова Е.Н. Внешнелингвистические факторы динамики полисемии (в примере функционирования лексемы look в английском языке). Дисс. ...канд. филол. наук. – Воронеж, 2006. – 213 с; Искандарова Ш.М. Ўзбек топишмоқлари. – Т.: – Ўқитувчи, 1991. – 3б; Адашуллоева Г.М.Тожик ва ўзбек тилларида шахс хусусиятини ифодаловчи фразеологизмларнинг қиёсий-типология таҳлили. Филол. фан. фалсафа докт (PhD) дисс...автореф. – Самарқанд: 2018. – 20 б.

«кўз» семантикасига эга тил бирликлари иштирокида ҳосил бўлган фразеологизмларнинг структурал-семантик хусусиятларини қиёсий-чоғиштириб таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида инглиз (А.Кристи, А.К.Дойл, Ш.Бронте, Г.Грин, Ж.Голсуорси, О.Уайлд, В.С.Моэм ва бошқалар) ва ўзбек (А.Қахҳор, Ў.Хошимов, М.Каримова, Э.Воҳидов, Ойбек ва бошқалар) ёзувчиларининг асарларида ҳамда икки тилдаги изоҳли луғатларда (А.Мадвалиев, З.Маруфов, Ш.Раҳматуллаев, Ш.Бўтаев, А.Кунин, А.Хорнби, А.Жон) учрайдиган «кўз» семасига эга лисоний бирликлар танланган.

Тадқиқотнинг предмети инглиз ва ўзбек тилларида «кўз» семантикасини фонетик, лексик, морфологик ва синтактик сатҳларда ифода этувчи лисоний бирликларининг маъновий, структур, функционал, прагматик, валентлик, асимметрик каби хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Мавзуни ёритишда қиёсий-чоғиштира, лингвистик моделлаштириш, контекстуал, дистрибутив, статистик ва фрейм таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагиларда намоён бўлади:

«кўз» лексик-семантик майдонининг универсал таърифи ва майдон миқёси аниқланган;

инглиз ва ўзбек тилларида «кўз» лексик-семантик майдонини ташкил этувчи лексемалар ва уларнинг майдон миқёсидаги тутган ўринлари асосланган;

инглиз ва ўзбек тилларида «кўз» архисемасини от, сифат, сон, олмош, феъл кабилар орқали ифодаланишининг таянч моделлари ва семантик типлари чоғиштирилаётган тиллар материаллари асосида далилланган;

«кўз» лексик-семантик майдони таркибидаги маъно жихатдан зидланувчи лексемаларнинг лисоний хусусиятлари ва уларнинг шаклланиш омиллари исботланган;

инглиз ва ўзбек тилларида «кўз» семантикаси сўз бирикмалари, фразеологик бирликлар, гаплар орқали турли адабий жанр ва нутқий контекстларда намоён бўлишининг ўзига хос хусусиятлари далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Инглиз ва ўзбек тилларида «кўз» семантикасига эга лексемаларнинг чоғиштира тадқиқи орқали тиллараро изоморф ва алламорф хусусиятлари очиб берилган;

«кўз» семантикасига эга лексемаларнинг инглиз тилида 20 та ўзбек тилида 15 та тури аниқланган;

қиёсланаётган тилларда «кўз» семантикасига эга тил бирликларининг синтагматик планда қовушган (валентлик) имкониятлари ишлаб чиқилган;

қиёсланаётган тилларда лексемаларнинг морфологик таркибига мосланган таянч ва трансформацион моделлари, семантик типларининг жадваллари ишлаб чиқилган ва статистик таҳлили амалга оширилган;

«кўз» семантик майдонининг ядро ва перифериясини ташкил этувчи лексемаларнинг ўрни ва уларга хос семантик, функционал, прагматик хусусиятлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Мавзуга оид таҳлил материаллари, қариндош бўлмаган икки тил табиатидан келиб чиққан ҳолда, чиқарилган хулосаларнинг асослилиги, методологик жиҳатдан мукаммаллиги, республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий анжуман материаллари, ОАК тасарруфидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, таклиф ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Мазкур тадқиқот иши натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, «кўз» лексик-семантик майдонининг чоғиштирма тадқиқи асосида эришилган илмий-назарий натижа ва хулосалар лингвистик майдонини умумий назарияси, лингвокогнитология, чоғиштирма лексикология борасидаги мавжуд парадигмаларнинг такомиллаштиришда фойдаланиш имконини беради.

Шунингдек, тадқиқот натижаларига таълуқли умумий хулосалардан олий таълим муассасалари хорижий филология факультетларида когнитив лингвистика, қиёсий лингвистика, лексикология, стилистика, таржима назарияси каби фанларни ўқитиш, махсус курс ва семинарлар ташкил этиш, ўқув-услугий қўлланмалар, илмий рисоалар ва икки тилли луғатлар яратишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Турли тизимли тилларда «кўз» лексик-семантик майдонининг чоғиштирма тадқиқи *бўйича олинган натижалар қуйидаги ишларда жорийланган:*

инглиз ва ўзбек тилларида «кўз» лексик-семантик майдонининг лингвокогнитив хусусиятларига оид илмий натижалар ва материалларидан Андижон давлат университети профессори Ш.Шаҳобиддинова раҳбарлигида 2007-2011 йилларда ОТ-Ф8-057 рақамли «Ўзбек тилини системавий тадқиқ этишнинг методологик асослари, метод ва принципларини шакллантириш» мавзусидаги фундаментал ва 2014-2017 йилларда А-1-39 рақамли «Ўзбек амалий психолингвистикасини яратиш дастурини ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳаларни бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 13-мартдаги 89-03-985-сон маълумотномаси). Тадқиқот иши натижалари асосида тайёрланган материаллардан майдон назарияси, лисоний ва нутқий ҳодисаларнинг ўзаро муносабати, тил ва тафаккур, умумлисоний принципларнинг фалсафий ва лисоний тафсифини бериш каби масалалар тадқиқида фойдаланилган, шунингдек тил бирликларини системавий тадқиқ қилиш метод ва методологиясини очиб беришда жаҳон тилшунослиги материалларидан фойдаланилган;

тадқиқот материаллари ва натижалари, шунингдек, Андижон вилоят телерадиокомпаниясининг «Адабий мухит», «Ижод гулшани» кўрсатувлари сценарийсини тузишда мунтазам равишда ўз фикр ва илмий материаллари билан иштирок этиб келган (Андижон вилоят телерадиокомпаниясининг 2018 йил 27-февралдаги 20-24/88-сонли маълумотномаси). Натижада телекўрсатув ва эшиттиришлар учун тайёрланган материалларнинг мазмуни

мукаммаллашган ҳамда «кўз» сўзининг инглиз ва ўзбек тилларидаги маънолари илмий далилларга бой бўлиши таъминланган.

инглиз ва ўзбек тилларида «кўз» лексик-семантик майдонини ифодаловчи тил бирликлари ва уларнинг маъновий хусусиятлари борсидаги материаллардан профессор К.Жўраев томонидан 2015 йилда чоп этилган «Таржимашунослик» китобида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси «Академнашр» 2018 йил 27-сентябрь № 27\09-сонли маълумотномаси). Жумладан, «сема, архисема, арго, муқобилсиз лексика, зуллисонайнлик, ҳижжавийлик, вербал коммуникация, семасиологик алоқалар ва бошқа» лингвистик мавзуларни ёритишга хизмат қилган. Тадқиқот натижаларидан фойдаланиш қўлланманинг назарий материалларини бойитишга хизмат қилган;

тадқиқотнинг илмий натижалари ва амалий таклифларидан Америка Қўшма Штатларининг Гуилфорд (Guilford) коллежи тиллар кафедраси профессори Алфонсо Абад Маччено ўзининг «Лексикология, типология ва тилшунослик» маъруза матнларида фойдаланаётганлиги тўғрисида маълумотнома олинган (маълумотнома 2019 йил 30-октябрда тақдим этилган). Натижада инглиз ва ўзбек тилларида «кўз» лексемасига оид тўпланган материаллардан хорижлик тингловчиларга ўзбек тилини ўқитишда кенг фойдаланиш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та илмий-назарий ҳамда илмий-амалий конференцияда, шу жумладан, 2 та халқаро ва 5 та республика анжуманида маъруза шаклида баён қилинган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 13 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси тамонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола (5 таси республика журналларида, 1 таси хорижий журналда) нашр этилган.

Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 100 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларнинг устувор йўналишларга мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, ишнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот усуллари, диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Ҳозирги замон тилшунослигида майдон назариясига доир илмий қарашлар**» деб номланган биринчи боби иккита параграфдан иборат бўлиб, майдон тушунчасининг назарий талқини И.Трир, Г.Ипсен, В.Порциг, Л.Вайсгербер, А.Йоллес ишларида кўзга ташланади, кейинроқ А.А.Уфимцева, Н.И.Филичева, Ю.Н.Караулов, Г.С.Шур, А.Бондарко каби олимлар ишларида майдон назарияси янада ривожлантирилди.

Кейинги йилларда анъанавий лексик-семантика билан бир қаторда янги йўналишлар ҳам ривожланмоқда. Булар қаторига структур семантика, генератив семантика, концептуал семантика, коммуникатив семантика, психолингвистик семантика кабиларни киритиш мумкин. Анъанавий семантика, асосан, алоҳида сўз гуруҳларининг ишлатилиши ва ривожланиш босқичларидаги маъноларини ўрганса, структур семантика (М.Покровский, Ф.де Соссюр, Л.Ельмслев, И.Трир, В.Порциг, Л.Вайсгербер, Л.Теньер ва уларнинг издошлари томонидан ишлаб чиқилди) ўз олдига лингвистик маънолар, лексик-семантик парадигма ва бошқа турдаги семантик майдонларнинг систем алоқаларини ўрганишни мақсад қилиб қўяди. Жаҳон тилшунослигида структур семантика формализм ва релятивизмдан халос бўлиб, систем тилшуносликнинг муҳим қисмларидан бири сифатида қаралувчи систем семантикага айланиб қолмоқда. Коммуникатив семантика эса нутқий жараёнларни ўрганиш билан характерланади, чунки лингвистик (система) ва лингвистик бўлмаган маънолардан ифода (кенг маънодаги дискурс ва матн)ларнинг аниқ мазмуни келиб чиқади.

«Майдон» атамаси тилшуносликка 1924 йилда Г.Ипсен томонидан киритилган. Немис олими Й.Трир томонидан белгиланган майдон ғоялари лингвистик тадқиқотлар амалиётида энг кўп қўлланган ва ҳозирги кунда ҳам қўлланиб келинмоқда. Й.Трир мазкур тушунчани лексик майдонларга нисбатан қўллаб, ҳозирги кунда олимлар бу тушунчани *Трир майдони* деб изоҳ берадилар. Синхрон таҳлил қилиш нуктаи назаридан Й.Трир назариясига кўра, «ҳар бир нарса маънони бутунликдан олади». Бу ҳолатдан маълум бўладики, мазмуний майдон тушунчаси Г.Ипсеннинг иши нашр этилгач анча кенг тарқалди. Г.Ипсен майдон сифатида умумий маъноли сўзларнинг йиғиндисини кўрсатган эди. Бироқ, Й.Трирнинг фикрича ⁷ майдонга хос ёндашув В.Гумбольдт ва Г.Остгофга бориб тақалади.

Ҳозиргача лингвистик адабиётларда «майдон» терминига берилган таъриф ва тавсифлар бир хил эмас. XIX асрда лексик (умуман, тил) бирликлар(и) умумийлигига М.Покровский ⁸ томонидан эътибор қаратилди. Майдон тушунчасининг назарий талқини рус тилшунослигида «майдон» назарияси ва майдон терминига доир назарий қарашлар ҳам хилма-хилдир. А.А.Уфимцева, Н.И.Филичева, Ю.Н.Караулов, Г.С.Шур, А. Бондарко каби олимлар ишларида майдон назарияси янада ривожлантирилди.

Семантик майдон назарияси Л.М.Васильев илмий изланишларида ҳам кенг таҳлил қилинган. XIX аср ва XX асрнинг биринчи чораги олимларининг

⁷Trier J. Der Deutsche Wortschatz im Sinnbezirk des Verstandes (Die Geschichte eines sprachlichen Feldes). – В. Heidelberg: C. Winter, 1931. – 36 p.

⁸Покровский М.М. Большая советская энциклопедия. – 3-е изд. – М.: Советская энциклопедия, 1969-1978.

баёнотига таяниб, Л.М.Васильев рус тилшунослиги анъанасида Ф.И.Буслаев, А.А.Потебня, А.А.Шахматов, А.М.Пешковскийларнинг илмий ишларида «майдон» термини ўзининг муносиб ўрнини топганлиги ҳақидаги хулосага келади.

Таъкидлаш лозимки, функционал тадқиқот аспектининг майдони функционал грамматикага асосланган. Россия функционал грамматика мактабининг асосчиси А.В.Бондарко илк бор «*функционал семантик майдон*» атамасини илмий муомалага олиб кирди (илмий ишимизнинг кейинги ўринларида функционал семантик майдонни ФСМ деб юритамиз).

Унинг таърифи бўйича, ФСМ – бу икки томонлама (мазмун-шакл) бирлик, грамматик (морфологик ва синтактик) воситалар билан шаклланган, семантик ҳудудга тааллуқли бўлган, мазкур тил билан бирга ҳаракатланувчи лексик, лексик-грамматик ва сўз ясовчи элементлардир⁹.

Ўзбек тилшунослигида майдон назариялари тавсифи ва таснифи ХХ асрнинг 70-80-йилларидан бошлаб майдон талқини билан боғлиқ равишда кўпгина илмий-назарий ишлар ва қарашлар пайдо бўла бошлади.

Бу борада, хусусий планда Р.Расулов, Э.Бегматов, О.Бозоров, Т.Мирзақулов, И.Қўчқортоев, А.Нурмонов, Н.Маҳмудов, Ҳ.Неъматов, Р.Сафарова, А.Собиров, Б.Қиличев, Ҳ.Ҳожиев, М.Абдиев, Ф.Сафаров, Ў.Қодиров, А.Маматов, қиёсий планда А.Абдуразақов, А.Абдуазизов, Ж.Бўронов, Ў.Юсупов, Ш.Сафаров, Д.Ашурова, М.Джусупов, С.Раҳимов, М.Расулова, Ғ.Ҳошимов, Ж.Якубов, М.Абдувалиев каби олимларнинг илмий изланишлари муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридаги тилшунос олимларнинг илмий қарашларига асосланган ҳолда, биз семантик майдонни икки гуруҳга ажратиб ўрганилиши мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз: а) биринчи гуруҳда муайян маъно асосида бирлашган тенг қимматли лисоний бирликлар синфини бир мазмуний майдон деб баҳолаш; б) иккинчи гуруҳда эса парадигма, мазмуний майдон ва турли сатҳлилиқ ўртасидаги дифференциал белги сифатида ана шу бир сатҳлилиқ ва турли сатҳлилиқ белгиси олинган бўлса ҳам, лекин бу белгини парадигма ва майдон таркибидаги аъзолар ўртасидаги муносабатга нисбатан кўллаш назарда тутилади.

Турли тизимли тилларда «майдон» назариясига оид илмий кузатишларнинг натижаси қуйидаги лисоний омиллар билан бир-биридан фарқ қилишини кўрсатади:

1. Жаҳон тилшунослигида «майдон» тушунчаси деганда сўз ва тушунча орасидаги муносабатда парадигматик ва синтагматик майдонларнинг ҳосил бўлиши назарда тутилади. Парадигматик майдон лексик бирликларнинг асосий мазмуни асосида шакланса, синтагматик майдон эса турли хил лисоний бирликларнинг ифодаланишидир.

2. Рус олимларининг «майдон» назарияси функционал грамматикага асосланган. Шунинг учун рус тилшунослигида «Функционал семантик майдон»

⁹ Бондарко А. К вопросу о системе анализа аспектов языка и речи в функциональной грамматике// Сб. статей памяти Веры Арсеньевны Белшапковой// 2001: - 40 с.

назарияси мавжуд бўлиб, у аниқ семантик мазмунга эга бўлиб, мазкур майдон тилда турли хил лисоний бирликлар билан ўз ифодасини топади. Демак, мазмун ва ифода планлари «майдон» тушунчасини намоён қилади.

3. Ўзбек тилшунослигида эса «майдон» тушунчаси асосан «ономазиологик» майдонга асосланган. Демак, майдон тушунчаси ўзбек тилшунослигида «шаклдан мазмунга» тамойили ёрдамида ривожланиб, бир маънонинг турли хил лисоний бирликлар билан ифодаланиши майдон назариясининг хусусиятларини очиқ берди.

Диссертациянинг «Турли тизимли тилларида «кўз» лексик-семантик майдонининг тизимли таҳлили» деб номланган иккинчи боб учта параграфдан ташкил топган бўлиб, ушбу бобда дунё ҳамда инглиз ва ўзбек тилларида изоҳли луғатларга мурожаат этиб «кўз» семантикасига оид бўлган сўз ва сўз бирикмаларини ўрганиб чиқади.

Кўриш перцепцияси феълларининг прагматик аспектдаги лексик-синтактик таҳлили устида олиб борилган илмий ишлар талайгина бўлиб, ақлий ва перцептив жараёнларнинг ўзаро когнитив асослари ҳақидаги масалага хориж тилшунослари, аввало, Д.Лакофф ва М.Жонсонлар қўл урганлар¹⁰.

Кўриш перцепцияси концептуаллаштириш муаммоларининг у ёки бу даражаси борасида Р.Лэнгекер ва Л.Талмилар ўзларининг илмий ишларида тўхтаб ўтишган¹¹.

Л.Талми перцептив жараённинг концептуаллаштириш жараёнини ифодалашда, аниқроғи, нигоҳ чизиғи (*line of sight*) концептини кўриб чиқишда, мазкур концепт перцептив структура компонент эканлигини ва мўлжалланган перцептор қурилмаси ва нигоҳ мўлжалига тааллуқли бўлган таснифини ўзгартириш имконига эга эканлигини кўрсатиб беради.

Мазкур муаммо сирасига А.М.Усонене, Т.Н.Козюра ва У.Крофтларнинг илмий ишларини ҳам киритиш мумкин. А.М.Усонене *to see* предикати маъноси муаммосини танқидий шарҳлаб, уни ҳолат феъллари сирасига киритишни инкор этади. Потенциал кўп марталик маънони кўриб чиқиш билан А.М.Усонене образни қайта пайдо бўлиш имконияти *to begin, to see* предикати натижанинг бир неча бор шаклланишини кўрсатади деб таъкидлайди¹².

Инглиз тили изоҳли луғатлари устида ўтказилган таҳлиллар «кўз-еуе» семантикаси қиёсланаётган тилларда полисемантик хусусиятга эга эканлиги ва алоҳида олинганда ҳам, сўз бирикмалари ёки фразеологик бирикмалар таркибида келганда ҳам турли-туман маъноларни касб этиши мумкинлигини кўрсатади¹³.

Бу ҳол қиёсий-чоғиштирилаётган тилларда «кўз-еуе» семантикаси билан боғлиқ қатор маъноларнинг қай бири инвариант, умумий маъно бўла олишини аниқлашда қийинчиликлар туғдиради. Шунини инобатга олган ҳолда луғатлардаги «кўз-еуе» семантикаси ва бу билан боғлиқ морфологик ҳамда

¹⁰ Лакофф Дж., Джонсон М. Метафоры, которыми мы живем. – М.: Издательство ЛКИ, 2008. – 84 с.

¹¹ Langacker, R.W. The contextual basis of cognitive semantics [Text]. //R.W.Langacker// Language and Conceptualization / ed. by J.Nuyts, E.Peterson. – London et: Cambridge Univ. Pres, 2000. – 64-65 p.

¹² Усонене А.М. Семантика предикатов с глаголами типа see и look. Дисс., анд. филол. наук. Москва, 1983. – 62 с.

¹³ Webster's Third New International Dictionary. – UK. Konemann: Cologne, 1993, – 809-810 p.

синтактик тузилишга эга бирликларни маъно нуқтаи назаридан таҳлил этишни лозим деб топдик.

Юқорида кўрсатилган N.Websterнинг «Инглиз тилининг учинчи янги халқаро луғати»да от сўз туркумига мансуб «eye» сўзи қадимги инглиз тилида «eage», ўрта асрлар инглиз тилида «eie» қадимги юқори немис тилида «ouga» бўлиб, лотин тилидаги «oculus», грек тилидаги «oscs» (*two eyes*), санскритдаги «aksi» сўзларига қариндош эканлиги, унинг асл ва етакчи маъноси «an organ of sight» (кўриш аъзоси) эканлиги ёзилган. «Eye» сўзининг бошқа маъноларига луғатдаги кетма-кетликда таржима усули орқали қуйидаги изоҳларни кузатамиз:

1) «кўз» ва уни ҳимоя қилувчи, уни қўллаб-қувватловчи ва унга яқин жойлашган *қовоқ, киприк, қош: кўз ичи* ва уни ўраб турган жой;

2) «кўз» *гавҳари (a girl with blue eyes);*

3) «кўз» билан кўриш ёки гўёки у орқали кўргандек (зехн) (*a keen eye for a significant berail*), кўриш жисмонан ва ақлан қабул қила олиш қудрати (кучи), (*a good eye for what is essential*) идрок орқали кўра олиш қобилияти (*eye for beauty*), (*He has an artist's eye*);

4) назар (*in the public eye*);

5) диққат (эътибор) билан қараш, яқиндан кузатиш (назорат қилиш) (*under the eye of the employers*);

б) нуқтаи назар, бирор нарсага нисбатан қараш (*in the eye of the law*);

7) кўзга ўхшаган кўриниш (шакл)га эга нарса (*something having an appearance suggestive of an eye*);

а) игнанинг бошидаги тешик (*the hole through the head of a needle*);

б) арқон, илмоқ ёки бошқа нарсани тутқазишга мўлжалланган тешик, хусусан, иш қуроллари (болға, болта дастаси)даги тешик *a hole designed to receive a rope. shaft hoop. Or other object. A hole in an implement (as an ax or hammer) designed for the insertion of handle*;

в) тегирмон тошидаги тешик (*the hole in an upper mill-stone*);

г) товус дум парлари ёки капалак қанотлари ва тухумдаги думалоқ кичкина доғ (лар), (*asusu. Circular marking (as on a peacock*s tail on the wings of a butterfly)a small dark spot (as on an egg)*);

д) ёруғ нуқта (жой), ёруғлик тушган думалоқ майдонча (*a bright spot. Or circular area (as of light)*);

е) қоялар юзасига чиқиб қолган кўриниш, «кўз» шаклидаги минераллар қатлами (*an aggregate of minerals exposed in the surface of a rock and having an appearance contrasting with the surface so as to form a more or less conspicuous area*);

ё) арқон учидаги ҳалқа (*a loop (as at the end of a robe)*);

ж) кийимнинг икки томонини бир-бирига бириктирувчи илгак ўтказиладиган метал ҳалқа (*a loop (as of thread) or other catch(as a transverse piece of metal) designed to receive a hook (as for fastening together the opposite edges of a garment), (hooks and sth on a dress)*);

з) тугма қадаладиган тирқиш (изма) (*a bound or stitched slit or a loop through which a button is passed: BUTTON HOLE*);

и) парда осиладиган узун металл, ёғоч мослама ҳалқаси (*a ring through which a rod(as for a curtain is passed)*);

к) камоннинг икки чеккасидан камон ипини тортишга мўлжалланган ҳалқа (лар) (*a loop at either end of the bowstring of an archer*s bow used for attaching the string to the bow*);

л) ривожланмаган куртак (картошка (кўзи) ниши) (*an undeveloped bud (as on a potato)*);

м) гул косачаси ва баъзи бир мевалар (олма, нок)нинг чириган (айниган) жойи (*the depression at the calyx end of some fruits (as apples or pear)*);

н) ниш (ловиядаги) (*The hilum (as of a bean)*);

Инглиз тилидаги «eye» семантикасига «MacMillan English Dictionary for Advanced Learners»¹⁴ луғатида берилган таърифларга эътибор берамиз:

«eye - an organ of sight in human or other animals» (*инсон ва ҳайвонларга берилган кўриш органи*).

«the organ of sight; in vertebrate, one of a pair of spherical bodies contained in an orbit of the skull, along with its associated structures» (*умуртқали жониворлардаги кўриш органи - махсус компонентлари билан бирга бош суягидаги махсус уяларга жойлаштирилган соққа шаклидаги жуфт аъзо*).

Берилган таърифларга кўшимча тарзда яна бир луғат маълумотларини кўшиш мумкин¹⁵:

- The external, visible portion of this organ together with its associated structures, especially the eyelids, eyelashes, and eyebrows (*Қош, қовоқ, киприк каби зарур элементлар қуршовида кўриниб турадиган ташқи орган*);

- The pigmented iris of this organ (*Ушбу органнинг рангдор думалоқ қисми - кўз қорачиғи*).

Айтиш жоизки, «кўз» лексемаси инглиз шеърлятида ҳам қўлланилиши маълум бўлди. Шу ўринда инглиз ёзувчи-шоири Уильям Шекспирнинг 130 – сонетидан парча келтирамиз:

«**The mistress' eyes**» are nothing like the sun;

Coral is far more red than her lips «red»; (W.Shakespeare, sonnet 130).

Мазкур парчада шоир уй бекасининг кўзларини гўёки қуёшдек порлаб туришини ва самимийлик ифода этиш билан бирга ўхшатиш (simile) стилистик воситасидан унумли фойдаланади.

Ўзбек тилишунослигида «майдон» назариясини назарий таҳлил қилишда кўплаб олимлар илмий-тадқиқот ишлари олиб бордилар. Жумладан, Ш.Ғаниева ўзининг «Ўзбек фразеологизмлар структураси (шаклий ва мазмуний моделлаштириш)» номли номзодлик диссертациясида Ш.Искандарованинг «майдон» ҳақидаги назариясини ривожлантиришга ҳаракат қилган¹⁶.

2006 йилда чоп этилган А.Мадвалиевнинг «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» II жилдида берилган ва 1981 йилда чоп этилган З.М.Маъруфовнинг

¹⁴ Rundell M. MacMillan English Dictionary for Advanced Learners: – Oxford: Macmillan Publishers Limited, 2002. – 238 p.

¹⁵ Hornby A.S. Oxford Advanced Learner's Dictionary of Current English. – London: Oxford Univ. Press, 1980. – 294 p.

¹⁶ Ғаниева Ш.А. Ўзбек тилидаги фразеологик бирликларнинг семантик ва валент хусусиятлари. – Ф.: Ziyonet, 2011. – 45-46 б.

«Ўзбек тилининг изоҳли луғати»нинг I жилдида «кўз» сўзининг қуйидаги асосий маънолари санаб кўрсатилади:

КЎЗ 1. Тирик мавжудотнинг кўриш аъзоси.

2. Назар, нигоҳ, қараш.

3. Кўриш қобилияти.

4. *кўчма*. Баъзи нарсаларнинг бирор белги билан ажралиб, кўзга ўхшаб кетадиган қисми, бўлаги.

Ўзбек тилишунослигида «кўз» лексик-семантик майдони билан боғлиқ илмий ишларга ҳам бироз бўлса-да эътибор берилган. Бироқ улар илмий мақолаларда кўриб чиқиш билан чекланган. Мазкур йўналиш бўйича катта кўламдаги ишларни кузатмаймиз. Шундай бўлса-да, «кўз» лексик-семантик майдонига оид илмий мақолалар ҳамда айрим шоир ва ёзувчилар асарларини таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Шоира Мархабо Каримованинг «Онамни кўргани бораман» номли шеърини тўпламига назар солганимизда, шоира тўпламдаги деярли барча шеърларда «кўз» лексемасини қўллаганига гувоҳ бўламиз. Масалан:

*Куёв боламга ўхшаб,
Ақл чиқар кўзидан,
Бобосига тортганда,
Нур ёғилар юзидан.*

Мазкур мисрага чуқурроқ назар солсак, бунда шоира ҳам фразеологик иборани, ҳам стилистик бўёқни қўллашга мушарраф бўлади. Ушбу мисрадаги «*ақл чиқар кўзидан*» ибораси, биринчидан, фразеологик ибора ҳисобланса, иккинчидан, гипербола (бўрттириш) стилистик бўёқни ифодалаб келади.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг «Қаро кўзим» ғазалидаги қуйидаги байтга эътибор қаратамиз:

*Қаро кўзим, келу мардумлиг эмди фан қилгил,
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилгил.*

Ушбу байтда ҳам биз «кўз» лексемаси икки хил, яъни «қора кўз» ва «кўз қорачиғи» маъноларида ишлатилмоқда. Биринчи бирикма «кўз»нинг қора (сифатини) эканлигини ифодалаб келаётган бўлса, иккинчи бирикма «кўзимнинг (оқу) қораси» маъносини ифодаламоқда. Бундан ташқари, ушбу байтда биз стилистик услублардан бири бўлган хиазм (тарди акс)ни учратамиз. Яъни, шеърнинг биринчи қаторидаги «Қаро кўзим» иккинчи қаторда «Кўзим қароси» бирикмаси билан қарама-қарши ўрин алмашиб келяпти.

Диссертациянинг «**Инглиз ва ўзбек тилларида «кўз» лексик-семантик майдони конституентлари типологияси**» деб номланган учинчи боби учта параграфдан иборат бўлиб, унда инглиз ва ўзбек тилларида «кўз» лексик-семантик майдони конституентлари таҳлил қилинди.

Инглиз ва ўзбек тилларида «кўз» лексик-семантик майдони конституентлари турларига тўхтаб, кўзни от сўз туркумига мансуб бўлган субстантив сифатида синтагматик қаторда жойлашиб сифат билан синтактик-семантик алоқага кириши, кўзнинг жисмоний хусусиятлари, жумладан, кўзнинг ҳажми, масалан, инглиз тилида *large, huge, tiny, little, small*, ўзбек тилида *катта, қисик, қийиқ*, кўзнинг шаклиинглиз тилида *round eyes*, ўзбек тилида

думалоқ кабиларнинг қиёсий таҳлилини мисоллар билан кенг ёритиб беришга ҳаракат қилдик. Масалан: *Ингл.: Her huge eyes, gleaming hazel, rose to his, triumph carefully hidden*¹⁷; *Eyes were small, so that with the mascara and the shadows painted on their lids they looked like flopping black butterflies*¹⁸; *Ўзб.: Ҳа, эсимда, бўталоқ, бирам кўзлари катта-катта, мулойим, ёқимли, зийрак эди, ҳамманинг ҳаваси келарди, деди кампир кулиб*¹⁹.

Шуниси қизиқки, кўзни узунлик белгиси нуқтаи назаридан ҳам баҳолаш мумкин экан. «*Large eyes*» бирикмасида аниқловчи ролида қўлланилган *large* сифати ўзбек тилида «*чўзиқ, қийиқ*» сифати семантикасини ўзида акс эттирар экан. Бу бирикма маъносида шакл ва ҳажм семалари ўртасида боғлиқлик борлиги кўзга ташланади. <..> *the light in her long eyes made him incapable of speech Squinting eyes* бирикмаси ифодалаган маънони икки хил тушуниш мумкин: биринчидан, кўз қорачиғининг туғма ёки юктирилган хасталик туфайли ўз ўрнидан силжиб кетган ва натижада тўғри суҳбатдошга эмас, балки ён томонга қараб турган (ғилай) ҳолати англашилади. Иккинчидан, бу кўзни шарқ халқларига хос тарзда «қисик кўз» тарзида қабул қилиш ҳам мумкин. Бироқ шунда ҳам кўз қорачиғи ўз ўқидан силжиб кетгани ҳақидаги таассурот сезилиб туради. Масалан: *Ингл.: JoJo frowned at them both through little squinting eyes, then his face broke out into a toothless smile and he grinned at them; His squinting eyes slithered and shifted like mercury on a plate*²⁰. *Ўзб.: Саптарош елкаси оша бурилиб қаради. Мўйлови текис қайчиланган, қисикроқ кўзли киши экан*²¹.

Маълум бўлдики, «кўз» лексик-семантик майдонини қуйидаги ифода воситалари орқали қўллашимиз мумкин экан:

1. Морфема орқали: Инглиз тилида: *eye*

Ўзбек тилида: *кўзбўямачи, кўзчил, кўзли*

2. Лексема: Инглиз тилида: *eyeglass, eyewitness*

Ўзбек тилида: *кўзламоқ*

3. Фразема: Инглиз тилида: *to close ones eyes; to open one's eyes, to cry with one eye, to laugh with the other, to keep one's eyes on, in a pigs eye*

Ўзбек тилида: *кўз-кўз қилмоқ, кўзга қарамоқ, кўз уриштирмоқ, кўз тикмоқ, кўзини тикмоқ, кўз чиқиб кетмоқ, кўзини пахтасини чиқармоқ, кўз олайтирмоқ*

4. Паремииологик бирликлар: Инглиз тилида: *Out of sight, out of mind*

Ўзбек тилида: *Аяган кўзга чўп тушибди; ўнг кўзинг чап кўзинга ошно эмас; ўзи йўқнинг кўзи йўқ.*

Инглиз ва ўзбек тилларидаги кузатишларимиз шуни кўрсатдики, «кўз» семантик майдони конституентлари қуйидаги сўз туркумлари орқали ифодаланар экан: Инглиз тилида *eye* (от), *eye* (феъл) содда, *eyeglass, eyewitness* (от феъл) кўшма, *eyed* (сифат), *eyeful* (от), *eyeglassy* (сифат), *eyeless*(сифат),

¹⁷BNC – British National Corpus [Electronic resource]. – URL: <http://www.natcorp.ox.ac.uk> (мурожат қилган сана: 22.07.2008).

¹⁸ Eudora Welty. *Similes Dictionary*. – USA: Mississippi, 1988. – 91 p.

¹⁹ Ойбек. *Болалик*. – Тошкент: 2018. – Б. 29.

²⁰ BNC – British National Corpus [Electronic resource]. – URL: <http://www.natcorp.ox.ac.uk> (мурожат қилган сана : 22.07.2008).

²¹ O'tkir Hoshimov. *Ikki karra ikki besh*. – Toshkent: 2007. – Б. 45.

eylessness (от), *eyer* (от) *eyesome* (сифат) каби ясама сўзлар, *eye-catching* (сифат) каби ясама сўзлар, *eyedropperful* (от), *eye – minded* (сифат), *eye – mindedness* (от), *eye – opening* (сифат), *eye – popper* (от), *eye – servant* (от), *eye – server* (от) каби қўшма – ясама сўзлар, *to close ones eyes; to open one’s eyes, to cry with one eye, to laugh with the other, in public eyes, a wink of the eye, to keep one’s eyes on* каби сўз бирикмалари, *all the eye, all in the eyes, to cutan eye, up to one’s eyes* каби турғун бирикмалар, *in a pigs eye* каби сленглар орқали ифодаланишини аниқладик.

Ўзбек тилида эса «кўз» бош маъноси ва унинг вариантлари *кўз* (от), *кўзламоқ* (фееъл) каби содда сўзлар, *кўзмунчоқ* (от), *кўзойнак* (от) каби қўшма сўзлар, *кўз боғловчи* (от), *кўзбўямачи* (от), *кўздай* (дек), *кўзли*, *кўзсиз* (сифат) каби сўз бирикмалари *кўз – кўз*, *кўз – қулоқ* каби такрорий ва жуфт сўзлар, *кўздан кечирмоқ*, *кўз қисмоқ*, *кўз қири билан қарамоқ* каби сўз бирикмалари, *кўз олайтирмоқ*, *кўз очиб кўрган*, *кўзга суртмоқ*, *кўзи очилмоқ*, *кўзини ёғ босмоқ* каби турғун бирикмалар орқали ифодаланади.

Юқорида санаб ўтилган лексемалар морфологик таркиби ва тузилишига кўра **инглиз тилида** қуйидаги моделларда ўз ифодасини топади:

1. N ёки V (содда тузилишга эга бир ўзакли сўзлар): *Eye, to eye.*
2. N + N = (икки ўзакли қўшма сўзлар): *eyeball.*
3. N + suffix = N (от ясовчи суффиксли ясама сўз): *eyeless, blindness.*
4. N + suffix + siffix=N (от ясовчи икки суффиксли ясама сўз): *eyelessness.*
5. N + suffix = Adj (сифат ясовчи суффиксли ясама сўз): *eyeless.*
6. N + N + suffix = Adj (икки ўзакли сифат ясовчи суффиксли сўз):

Eye Catching.

7. N + suffix + suffix = N (бир сифат ясовчи ва бир от ясовчи суффиксли ясама сўз): *wide-eyed.*

8. N+ Adj + suffix = N (бир от, бир сифат + от ясовчи суффиксли ясама от): *eye mindedness.*

9. N + V + suffix = N (бир от, бир фееъл + от ясовчи суффиксли ясама от): *Eye Server.*

10. N + V + suffix = Adj (бир от, фееъл + сифат ясовчи суффиксли сўз): *eye stopper.*

